# Qishloq hayoti

2014 йил — Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi   www.qishloqhayoti.uz   2014-YIL 30-OKTABR, PAYSHANBA, 129 (8366)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## «ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли меҳмонлар!

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

"Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакилларини, таниқли олим ва экспертларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири – Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генофонди ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилига 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда ўйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилгани, трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидаги ғоят оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгида батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли кўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшаётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қуйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизида илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳududдан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожиа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қуруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистоннинг Орол фожиасининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар куни сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг қуриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қурғоқчиликнинг кучайиши, қаҳратон қишнинг узоқ давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий захиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

**биринчидан** – бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

**иккинчидан** – Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

**учинчидан** – аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушкунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшиласиз;

**тўртинчидан** – ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш ғоят долзарб эканини эътироф этаётганидан далолат беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислом тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувайт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни очиқ тан олишимиз керакки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамасдан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказаётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиасининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар – БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутиши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби сувни тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, турар-жой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдиридан ташвишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қутқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА

*29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Мажлис Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган янги таҳрирдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишдан бошланди.

Ушбу ҳужжат хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, инвестициялар киритиш учун қўшимча рағбатлар ва шароитлар яратишга, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва мулкларини ҳимоя қилиш усулларини кенгайтиришга қаратилган. Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳаси хусусий инвестицияларни рағбатлантириш борасида муҳим ҳужжат бўлади ва инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёрдам беради.

Қонуннинг амалдаги таҳририга инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқаришда инвестицияларни амалга оширишни, инвестиция фаолиятини рағбатлантиришни тартибга солувчи янги моддалар киритилди. Бундан ташқари, инвестиция фаолиятининг объектлари ва субъектлари, инвесторларнинг ҳуқуқлари, инвестиция фаолияти субъектларининг ўзаро муносабатлари, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестициялар, инвестиция жамғармалари, инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари каби ҳуқуқий тушунчаларни белгилаб берувчи моддалар, бошқа нормалар сезиларли равишда кенгайтирилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ишчи гуруҳ ўндан ортиқ тадбир ўтказди. Тадбирларда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари фаол иштирок этдилар. Улар томонидан депутатлар, экспертлар, олимлардан тушган барча таклифлар кўриб чиқилди. Ҳар томонлама ва моддама-модда муҳокама якунларига кўра, Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

**(Давоми 3-саҳифада)**

## САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА




**Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

**(Давоми 2-саҳифада)**

### СЎЗ – ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА




**«OROL DENGIZI MINTAQASIDAGI EKOLOGIK OFAT OQIBATLARINI YUMSHATISH BO‘YICHA HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH» XALQARO KONFERENSIYASI**

## ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

*"Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ЎзА махсус мухбирига нуфузли анжуман кун тартибига киритилган долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.*

**Акмал СИДДИҚ,**
**Осиё Тараққиёт банкининг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича департаменти директори:**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табриги менда катта таассурот қолдирди. Унда Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бўйича билдирилган фикрлар биз, мутахассислар учун ғоят қизиқарли ва фойдали бўлди.

Ўзбекистон томонидан Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш бўйича қатор самарали ишлар амалга оширилаётир. Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан ушбу муҳим конференциянинг ташкил этилиши ҳам мамлакатингизда Орол муаммосига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Биз минтақада юзага келган экологик вазиятни ўнглаш, аввало, сувдан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келяпмиз. Анжуманда олим ва мутахассислар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, ишбилармон доиралар бу саъй-ҳаракатларга қўшилишга тайёр эканликларини билдирди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

Унда БМТ, ШҲТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ, Ерости сув ресурсларини баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК каби 24 нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари, Австрия, Венгрия, Германия, Испания, Хитой, Латвия, Малайзия, АҚШ, Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 26 давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаси олим ва экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислом Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз видеомурожаатида дунёдаги кенг кўламли антропоген ҳалокатлардан бири деб эътироф этилган ва миллионлаб аҳоли ҳамда атроф-муҳитга катта зарар етказаётган Оролбўйи минтақасидаги экологик бўҳрон муаммолари муҳокамасига бағишланган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Иштирокчиларга Орол денгизи ҳавзасида юзага келган мураккаб вазият билан боғлиқ муаммолар ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокованинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илм-фан бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Хуберт Гизен ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Кристиан Фрис Бах, БМТ Тараққиёт дастури администраторининг ўринбосари Ойша Жаҳон Султоноглу, ЭСКАТО ижрочи котиби ўринбосари Шун-ичи Мурата, Осиё тараққиёт банкининг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича департаменти бошлиғи Акмал Сиддиқ, Ислом тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ҳишам Маъруф ва бошқалар Орол инқирози ўзининг экологик-иқлим, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатлари бўйича Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишига, ушбу ҳудуд аҳолисининг саломатлиги, генофонди ва келажагига бевосита хавф солаётганини таъкидлади. Экологик бўҳрон чегараси кенгайиб бораётган бир шароитда Орол муаммосини ҳал этишга жаҳон ҳамжамияти эътибори жалб этилмаса, янада кенг ҳалокатли тус олиши мумкин.



Конференцияда Орол денгизи қуришининг асосий сабабларидан бири собиқ иттифоқ даврида табиий ресурслардан хўжасизларча, ўйламасдан фойдаланиш оқибати экани қайд этилди.

Орол денгизининг Ғарбдан Шарққа эсадиган кучли ҳаво оқими йўлида жойлашгани ва бу аэрозолларнинг юқори атмосфера қатламларига кўтарилишига сабаб бўлаётгани атроф-муҳит ифлосланиши оқибатларини янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юксак минбарларда минтақа доирасидан аллақачон чиқиб улгурган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича самарали чоралар кўриш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Хусусан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу масалани илк бор 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтариб чиққан ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммосига қаратган эди. Бундан ташқари, Президентимиз 2000 йил 8 сентябрь куни БМТнинг Мингйиллик саммитида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгашни ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди.

Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳволни яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатишда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутаётир. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга соладиган ва табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатлар, чунончи, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид конвенцияга қўшилди. Сув ресурслари тақчиллиги ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш, минтақада тобора кучайиб бораётган экологик ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш учун зарур инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мисол учун, «Амударё дельтасида кичик кўллар барпо этиш» лойиҳаси дастлабки босқичининг амалга оширилиши бешта сув чиқариш иншооти, қирғоқни ҳимоя қиладиган 45 километрлик дамбалар қуриш, умумий майдони 70 минг гектар ва 810 миллион куб метр сиғимга эга бошқариладиган муҳандислик сув ҳавзалари бунёд этиш имконини берди. Сўнгги 15 йилда Амударё дельтасидаги 180 минг гектар майдонга сув чиқарилди ва кичик кўллар барпо этилди. Истиқболда ушбу кўллар умумий сув юзаси майдонини 230 минг гектаргача кенгайтириш мўлжалланган.

Орол инқирози таъсир кўрсатган ҳудудларда 740 минг гектар, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. 1997-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида замонавий амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди, 5,8 минг ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасалари қурилди ва реконструкция қилинди, 840 қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Қўрилган чоралар самарасида Қорақалпоғистон Республикасида нуқсон билан туғилганлар сони 1997 йилга нисбатан 3,1 баробар, оналар ўлими 2, чақалоқлар ўлими эса 2,4 марта қисқарди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда БМТ кўмагида ўтказилган “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзусидаги халқаро конференция Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилашда муҳим роль ўйнади. Мазкур конференцияда ишлаб чиқилган Ҳаракат режаси 2011-2015 йилларда Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи дастурнинг асосини ташкил қилди.

– Жаҳон банки ушбу дастурни амалга оширишда иштирок этмоқда, – деди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Сарож Кумар Жа. – Дастур Орол денгизи ҳавзасида экология ва сув хўжалиги билан боғлиқ аҳволни яхшилаш, барқарор ривожланишга эришишга қаратилган. Жаҳон банки томонидан миллий ва минтақавий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган инвестициялар умумий миқдори бугун 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мазкур халқаро конференция ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш ва минтақадаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда барча манфаатдор томонлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Анжуманнинг секция мажлисларида экологик оғир ҳудудларда яшаётган аҳолининг генофондини сақлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур иқтисодий рағбат ва механизмларни жалб этиш, минтақада экотизим ва биохилма-хилликни қайта тиклаш масалалари муҳокама этилди.

Иштирокчилар Урганч шаҳрида ушбу конференция юксак савияда ташкил этилганини юқори баҳолади ва тадбир Орол денгизи қуришининг оқибатларига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилишга ишонч билдирди.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА махсус мухбири.**

**СЎЗ – ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**



# ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА БИРДАМЛИК ЗАРУР

*“Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари 28 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги хўжаликларда, тиббиёт муассасаларида бўлди, Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. ЎзА махсус мухбирлари халқаро анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.*

**Ханс-Ульрих ИМ,**
**Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ижрочи қўмитаси маслаҳатчиси ва халқаро лойиҳалар бўйича менежери:**

– Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво ва тупроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу аҳоли, жумладан, ёш авлод саломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатаётир. Бугунги кунда Оролбўйи аҳолиси генофондини асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик муаммо ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Ташкилотимиз фаолиятида мамлакатингиз алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, ўрмонзорлар барпо этишга оид қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Мазкур глобал муаммо оқибатларини енгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга жамоатчиликни янада кенгроқ жалб этишимиз ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз лозим.

**Анхель Фернандес РАМОС,**
**“CYTSA” компанияси менежери (Испания):**

– Ушбу конференцияга кўплаб мамлакатлардан, нуфузли халқаро ташкилотлар ва компаниялардан вакиллар ташриф буюргани уларнинг Орол муаммосини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида эканидан далолатдир.

Компаниямиз институционал ривожланиш, бизнес-инновациялар ва муҳандисликда қўлланиладиган маҳсулотларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Орол денгизи муаммосини, унинг глобал миқёсда атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш ҳамда оқибатларини юмшатиш борасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Ўзбекистонга келганимдан қалбим қувончга тўлди, руҳим кўтарилди. Хивадаги бетакрор тарихий обидалар, миллий либос ва ҳунармандлик буюмлари ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ичанқальани кўриб, маҳобатли миноралар орасида ўзимни гўё мўъжизалар оламида юргандай ҳис этдим.

**Ким Хак СУ,**
**Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) катта маслаҳатчиси:**

– Бугунги кунда Орол муаммоси нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун дунёнинг муаммосига айланган.

Беруний туманидаги ёшлар боғига дарахт кўчатларини ўтказишда иштирок этганимиздан, бу ердаги экологик ҳолатни яхшилашга, оз бўлса-да, ҳисса қўшганимиздан хурсандмиз. Оролбўйида қурғоқчиликка ва шўрга чидамли буталар экиш, дов-дарахтлар ва ўсимликларни кўпайтириш бўйича бу каби лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор. KOICA Ўзбекистон билан бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятида.

**Андреас БРУНДЕР,**
**Халқаро мустақил тиббий-гуманитар ташкилотнинг Марказий Осиёдаги минтақавий миссияси раҳбари:**

– Ташкилотимиз Ўзбекистон билан 1999 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва тиббиёт объектларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор бераётгани алоҳида эътирофга молик.

Минтақада энг йирик сув ҳавзаларидан бирининг таназзулга учраши иқлим ўзгариши ва экологик мувозанатнинг ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу муаммога биргаликда ечим топиш зарур. Мазкур конференция экология масалаларини ҳал этиш учун янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, долзарб лойиҳа ва ташаббусларни муҳокама этиш имконини беради.



**Вильгельм МАЙЕР,**
**Швейцария Ташқи ишлар вазирлигининг сув соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича махсус вакили:**

– Ўзбекистонда сув таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида изчил ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатингизда ушбу мақсадлар учун катта миқдорда инвестиция сарфланаётгани, кўплаб сув ўтказиш тармоқлари, каналлар ва бошқа объектлар қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон экология масалаларини ҳал этишга комплекс равишда ёндашмоқда. Масалан, биз Қорақалпоғистон Республикасида янги боғ барпо этишда бевосита иштирок этдик. Келажакда бу боғ мазкур минтақада экологик аҳволни яхшилашга хизмат қилишига умид қиламиз.

**Эрнест РОБЕЛЛО,**
**Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг дастури раҳбари:**

– Манзарали дарахтлар боғида кўчат экиш халқаро анжуманга келган делегациялар аъзолари учун ушбу минтақада экологик аҳволни яхшилашга ҳисса қўшиш учун ажойиб имконият бўлди. Ҳамкорлик айнан шу тарзда мустаҳкамланади ва мазкур халқаро конференция ҳам шу мақсадга қаратилган.

Экологик офат ҳудудида янги боғ-роғлар, иҳота дарахтзорлари зонасини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизими объектларини реконструкция қилиш ва технологик янгилаш бу ерда яшаётган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Конференция самарасида минтақада лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчилар сони янада кўпайишига ишонаман.

**Рафаэль ЖОЗАН,**
**Франция тараққиёт агентлиги ижрочи директори маслаҳатчиси:**

– Бой тарихий ва маданий меросга эга Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта ютуқларга эришмоқда. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, янги саноат объектларини ташкил этиш борасидаги муваффақиятлар эътиборга молик.

Ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ўзаро англашув меморандуми имзолади. Энергетика тармоғи ва чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Айни пайтда Орол денгизи ҳавзасида ҳам ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилмоқда.

**ЎзА фотомухбири**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган суратлар.**

# ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**(Боши 1-саҳифада)**

**Пол БРАНДТ-РОФ,**
**Иллинойс штати университетининг соғлиқни сақлаш мактаби директори (АҚШ):**

– Президент Ислом Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида Оролбўйи минтақасида юзага келган оғир вазият чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистон раҳбари бу ердаги аҳолининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббий ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

Оролнинг қуриган қисмидан кўтарилаётган миллионлаб тонна туз ва чанг катта ҳудудда тарқалиб, одамлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётир.

Конференция шу каби муаммоларга эътибор қаратиш ва уларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Анжуман иштирокчилари бугунги кунда амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама этиш билан бирга келгусидаги ишлар йўналишларини ҳам белгилаб олди. Мазкур халқаро анжуман Оролбўйидаги вазият билан бевосита танишиш, аҳоли саломатлигини мониторинг қилиш, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланишининг салбий оқибатларини енгиллаштириш бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

**Хуан БАРБА,**
**“Elecnor” компанияси менежери (Испания):**

– Ўзбекистон Орол денгизи минтақасидаги экотизимларни қайта тиклаш ва ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлиги ва генофондини сақлаш борасида муайян ишларни амалга ошириш билан бирга, ушбу масалага халқаро ҳамжамият эътиборини қаратаётгани бежиз эмас. Чунки Оролбўйидаги экологик офат таъсири бошқа кўплаб мамлакатларда ҳам сезилмоқда. Бу муаммога ечим топиш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Форум дунёнинг етакчи экспертлари ва мутахассислари учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди. Ушбу йирик анжуман Оролбўйи ҳудудидаги экологик ва ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш ва яхшилаш йўлида муҳим қадам бўлди.

**Дэйв АРМСТРОНГ,**
**“The Earth Times” экологик онлайн-журнали бош муҳаррири (Буюк Британия):**

– Журналимизда ер ҳақидаги мавзуларни, экологик муаммоларни ёритамиз. Яқинда Марказий Осиёдаги экологик хавфлар, хусусан, Орол муаммосига бағишланган таҳлилий мақола эълон килдик.

Президент Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатини тинглаб, Орол денгизи фожиасини янада яққолроқ тасаввур қилдим. Денгизнинг аввалги ва ҳозирги ҳолати, бу ердаги экологик офатнинг атроф-муҳит ва одамлар ҳаётига таъсири ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдим.

Ўзбекистонда ушбу муаммо оқибатларини бартараф этиш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар диққатга сазовор. Лекин шу билангина чекланиб қолиб бўлмайди. Чунки Орол муаммоси глобал муаммо. Биз ҳам ўз нашримиз орқали замонамизнинг ушбу ўта долзарб масаласига халқаро ҳамжамият эътиборини тортишга ҳаракат қиламиз.

**Шин Ю СЁНГ,**
**Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлигининг лойиҳалар гуруҳи директори:**

– Президент Ислом Каримов Оролбўйида юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, Амударё ва Сирдарё сувидан оқилона фойдаланиш зарурлигига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб келаётгани бежиз эмас.

Бугунги конференция Орол денгизи муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш имконини берди. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бу ердаги экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида барча соҳалар қатори тиббиёт жабҳасида ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жанубий Корея Ўзбекистонда болалар миллий шифохонасини қуришда қатнашмоқда. Конференция мобайнида Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар қилиш фикри туғилди. Яқин келажакда ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан шундай лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга аҳд қилдик.

**Дато Росли Муҳаммад НУР,**
**Малайзия экспорт-импорт банки директори:**

– Ушбу халқаро анжуман сайёрамизнинг энг долзарб масалаларидан бирига бағишлангани билан аҳамиятлидир. Орол муаммоси дунёнинг бошқа минтақаларидаги экологик вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро форум Орол масаласини атрофлича ўрганиш ва олимларнинг илмий хулосаларини олиш, истиқболдаги қўшма лойиҳаларнинг якуний хулосасини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этди. Тадбирда иштирок этган мутахассислар, барча ташкилотлар вакиллари Орол муаммоси оқибатларини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар режаларини белгилаб олди. Биз ҳам ушбу глобал инқироз оқибатларини юмшатиш ва яхшилашга оид лойиҳаларни молиялаштириш ниятидамиз.

**Ҳишам МАЪРУФ,**
**Ислом тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари:**

– Ўзбекистон билан 2003 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзаро ҳамкорликда қиймати 1,8 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган лойиҳалар, жумладан, Орол инқирози оқибатларини енгиллаштириш, ерлар унумдорлигини ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган ишларни амалга оширдик.

Халқаро анжуманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, минтақада яшаётган аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш каби қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Биз ҳам ушбу эзгу ишларга ҳисса қўшиш, Ўзбекистон билан бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамиз.

**Аббас САДРИЙ,**
**Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг (ISESCO) минтақавий директори:**

– Конференция жуда самарали бўлди. Орол муаммосини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишдик. Кўплаб халқаро ташкилотлар, молия институтлари, илмий марказлар вакиллари билан фикр алмашиб, Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш масалаларини атрофлича таҳлил қилдик. Бу таҳлиллар натижалари лойиҳа ва дастурларда ўз ифодасини топиб, Орол муаммосининг оқибатларини енгиллаштириш, минтақа аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

**ЎзА махсус мухбири**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

## АКАДЕМИК ВАҲОБ РАҲИМОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Геология ва кончилик соҳасидаги йирик олим, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ваҳоб Раҳимов 80 ёшида вафот этди.

В.Раҳимов 1934 йили Самарқанд шаҳрида туғилди. 1957 йилда Ўрта Осиё политехника институтини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг кончилик бўлимида илмий ходим сифатида иш бошлади. Кейинчалик Москва кончилик иши институти аспирантурасида таҳсил олди. 1963 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент давлат техника университети "Маркшейдерлик иши" кафедраси доценти, кафедра мудири, кон-металлургия факультети декани ва университет проректори каби масъул лавозимларда ишлади. Геология ва геофизика, кон муҳандислиги ва геодезия соҳасидаги долзарб масалаларни илмий ўрганиш, илм-фаннинг мазкур мураккаб йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

Атоқли олимнинг тоғ жинсларини қазиб олишнинг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб ёзган кўплаб мақола ва рисолалари, илмий ихтиролари соҳа мутахассислари ва илмий жамоатчилигимизга яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида меҳрибон ва талабчан устоз сифатида кўплаб ёшларга геология ва кон муҳандислиги сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик В.Раҳимовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвонига ва "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ваҳоб Раҳимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ**

# ХАЛҚАРО ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ АНЖУМАНИ

## ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ 80-КОНГРЕССИ БОШЛАНДИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли мамлакатимиз ёшлари онгу-шуурида она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари шаклланиб, уларнинг халқаро майдонларда Ўзбекистон номини улуғлашга бўлган иштиёқ ҳамда интилишлари тобора юксалиб бормоқда. Турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида вакилларимизнинг зафар қучиб, мустақил юртимиз шуҳратини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётгани бунинг ёрқин далилидир.***




Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда. Халқаро гимнастика федерацияси саксонинчи конгресси Ўзбекистонда ўтказилаётганида ҳам катта маъно бор. Бу мамлакатимизда спорт, хусусан, гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир эътирофидир.

Бугунги кунда Халқаро гимнастика федерациясига 140 дан зиёд миллий федерация аъзо. Конгрессда саксондан ортиқ мамлакатдан 240 га яқин делегат қатнашмоқда.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Л.Каримова-Тиллаева, Халқаро гимнастика федерацияси президенти, профессор Б.Гранди ва бошқалар Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Бугун нафақат шаҳарларда, балки олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларига кўзингиз тушади. Ўзбекистонда болалар ва ёшларни спортга жалб қилиш бўйича уч босқичли тизим шакллантирилди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари нафақат етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мактабига, айни вақтда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилига айланди.

Гимнастиканинг барча турлари ушбу вазифани бажаришда муҳим роль ўйнайди. Негаки, ушбу спорт тури билан шуғулланиш нафақат инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантиради, балки унинг феъл-атвори, энг яхши фазилатларини ривожлантиради, иродасини чиниқтиради, олдига қўйган мақсадига эришишга интилишини кучайтиради.

Халқаро гимнастика федерацияси бош котиби Андре Гюйсбюлер Ўзбекистон гимнастика федерацияси ушбу спорт турининг барча асосий йўналишларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётганини ва бугунги анжуман юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси мамлакатимизда ушбу спортнинг барча асосий турлари – эркаклар ва аёллар спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, трамполин, акробатикани оммалаштиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимизнинг ҳар томонлама кўмагида бу борадаги фаолият умуммиллий миқёс касб этди. Иқтидорли спортчиларни аниқлашга ёрдам бераётган минтақавий ва республика мусобақалари мунтазам ўтказилаётир. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган марказлар ташкил этилди, уларда ҳар куни минглаб ўғил-қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг энг истиқболли ва иқтидорлилари гимнастика бўйича ўсмирлар ва миллий терма жамоалар сафига қўшилмоқда. Нафақат спорт комплекслари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, балки умумтаълим мактабларининг спорт залларини замонавий гимнастика инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

2007 йилда гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби ва 2011 йилда бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштрилган республика олимпия захиралари спорт мактаби ташкил қилинди. 2009 йилдан буён гимнастиканинг барча турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари олимпиадага тайёрлаш маркази ҳисобланган гимнастика саройида шуғулланиш ҳамда йирик мусобақаларни ўтказиш имкониятига эга бўлди.

Жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, мураббийлар малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада истиқболли илмий ва тиббий янгиликларни ўрганиш, спортчиларни тайёрлаш, спорт ускуналарини ишлаб чиқаришга жорий этиш – буларнинг барчаси спортни янада оммалаштириш, саломатлик омилига айлантиришга хизмат қилаётир. Ўзбекистон гимнастика федерацияси шу мақсадда Халқаро гимнастика федерацияси ва Осиё гимнастика иттифоқи томонидан ўтказилаётган халқаро форумларда фаол иштирок этиб келмоқда. Илғор тажрибани оммалаштириш учун пойтахтимиз ва вилоятларда халқаро ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирокида мураббийлар ва ҳакамлар учун семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон вакилларининг гимнастика бўйича қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ошиб бормоқда. Яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз жамоавий баҳсларда қитъамизнинг етакчи спортчиларини ортда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди. Спорт гимнастикаси бўйича баҳсларда Антон Фокин брусда мураккаб машқларни муваффақиятли бажариб, 15.475 балл тўплади. Бу мусобақанинг энг яхши натижаларидан бўлиб, Ўзбекистон спортчисига шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилиш имконини берди. Оксана Чусовитина юксак маҳоратини намойиш этиб, таяниб сакраш машқлари бўйича кумуш медални қўлга киритди.

Абдулла Азимов эса алоҳида предметларда машқ бажаришда юқори натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Конгрессда Халқаро гимнастика федерациясининг янги таҳрирдаги низоми тасдиқланади.

Дунёда гимнастиканинг барча йўналишларини ривожлантириш, Халқаро гимнастика федерациясига янги аъзоларни қабул қилиш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинади. Ушбу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш, спортчиларни тайёрлаш даражасини ошириш ва шу мақсадда энг илғор спорт, илмий ҳамда тиббиёт технологияларидан фойдаланиш учун миллий гимнастика федерацияларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбирлари.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Шундан сўнг депутатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади – фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштиришдан, шунингдек, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришдан иборат.

Замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб, мурожаатларни киритиш имкониятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ушбу қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатидир. Умуман олганда, ушбу ҳужжатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари мавжуд. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида юздан ортиқ таклиф тушди. Уларнинг кўпчилиги лойиҳани маромига етказишда ҳисобга олинди. Мурожаатлар соҳасидаги чет эл қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди. Жумладан, Европа мамлакатларининг, чунончи Германиянинг ҳамда Осиё мамлакатларининг, масалан Корея Республикасининг қонунчилиги ва амалиётини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинарлар ташкил этилди.

Қонун моддама-модда ва пухта муҳокама этилганидан кейин Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Қонун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Мажлис кун тартибига Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам киритилди. Тузатишлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан киритилмоқда. Хусусан, нафақат фуқароларнинг, балки юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

Депутатлар моддама-модда муҳокама этиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, ушбу ҳужжатни маромига етказиш учун юбордилар. Қонун лойиҳасини кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмитага топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партия фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари савол ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини доимо такомиллаштириш, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалда рўёбга чиқариш муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати**

# САНОАТЧИЛАРНИНГ САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАРИ

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА VIII ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги "2014 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржасини ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизнинг 1700 дан ортиқ корхона ва ташкилотлари, шунингдек, 50 дан ортиқ давлатдан 1200 дан зиёд хорижий фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.**




Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

"Ўзэкспомарказ"нинг тўртта кўргазма зали, 2 та атриум, очиқ майдончалар ва конференция заллари иштирокчилар билан гавжум.

Ушбу тадбир ишлаб чиқарувчиларга шароит яратиш, ички ва ташқи соҳалараро кооперацияни ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлар топиш ҳамда маҳсулотларни етказиб бериш учун шартномалар тузиш имконини яратиши билан аҳамиятлидир.

Маълумки, ярмарка икки босқичда ўтказилмоқда. Ушбу тадбирнинг биринчи босқичи жорий йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтди. Унда тармоқлар ва соҳалараро кўргазмалар ва ярмаркалар ташкил этилди. Уларда 3,8 мингдан ортиқ корхона 19 минг турдан зиёд маҳсулотларини намойиш этди. Ярмаркалар якуни бўйича 2014 йилда саноат кооперацияси асосида қиймати 890,5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб беришга доир хўжалик шартномалари ва 260,2 миллион АҚШ долларилик экспорт шартномалари тузилди. Иккинчи босқич – Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси эса ниҳоятда кенг кўлам ва миқёс касб этиб, саноатчилар учун фаолият мезонини белгилаш имконини яратадиган тадбирга айланмоқда.

Саноат тараққиёти узоқни кўзлаган мақсадлар билан амалга оширилади. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш йўналишларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 8,4 фоизга ошганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Келинг, шу ўринда саноатни ривожлантириш борасида олиб борилган ишларнинг таҳлилига эътибор қаратамиз. Ўтган тўққиз ой мобайнида юртимизда 2715 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Шунингдек, юқори технологик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 105 та муҳим инвестиция лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ташқи бозорларда улар маҳсулотларининг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли йил бошидан бошлаб экспорт ҳажми 332 миллион АҚШ долларилик 322 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 172,2 миллион долларлик товарларнинг 143 та янги турларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Ушбу даврда юртимиз экспорт қилувчилари ўз маҳсулотларини илк бор 51 та давлатга етказдилар.

Таъкидлаш жоизки, мана шундай юксалишларда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ ҳар йили ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу тадбирда халқаро стандартларга мос келадиган, импорт ўрнини босувчи янги ишланма, қайта ўзлаштирилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Барчамизга маълумки, ишлаб чиқариш, қайта ишлашнинг йўлга қўйилиши хомашёга нисбатан икки баравар кўп фойда келтиради. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши импорт маҳсулотларни камайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш учун имконият яратади, экспорт салоҳиятини оширади. Тадбир иштирокчилари ва корхоналар фаолияти билан танишар экансиз, бунга амин бўласиз.

Кўргазмаларда мамлакатимизнинг машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, нефть-кимё, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, енгилсаноат каби етакчи саноат тармоқлари корхоналари ўз маҳсулотлари, хизматлари, янги ўзлаштирилган ҳамда келгуси йилда ўзлаштирилиши мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни таклиф этмоқда. Намойиш этилаётган 20 мингдан ортиқ товар-хизматларнинг олти юздан зиёди Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги турдаги маҳсулотлардир. Илгари хориждан келтириладиган ушбу маҳсулотлар энди ўзимизда тайёрланаётгани кооперация алоқаларининг ривожланишига хизмат қилади.

Кўргазма залларида мамлакатимиз ҳудудларининг саноат салоҳияти ҳам намойиш этилмоқда. Бу мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганини кўрсатади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари билан суҳбатлашар экансиз, уларнинг ҳам саноатда юксак натижаларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўласиз.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши ортиб бормоқда Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 20,2 мингта кичик бизнес субъекти ташкил этилгани ҳамда ушбу соҳанинг биргина саноатдаги улуши 2013 йилнинг 9 ойидаги 27,9 фоиздан жорий йилда 31,1 фоизгача ўсгани ҳам бунинг яққол далилидир. Ушбу соҳа саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Тадбирнинг аҳамиятли томони шундаки, унда мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материалларни қўшимча тендерларсиз, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали харид қиладилар. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш секторлари бўйича жойлаштирилгани, батафсил ахборотларнинг тақдим этилаётгани иштирокчиларга қулайлик яратмоқда. Маҳсулотни етказиб бериш борасидаги шартномалар эса ярмарка дирекцияси рўйхатидан ўтказилиб, давлат реестрига киритилади.

– Тадбир жамиятимизнинг келгуси йилдаги фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга, – дейди "Навоийазот" акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Сиддиқ Нурназаров. – Ярмарка давомида кўплаб келишув ва шартномалар имзолашни мақсад қилганмиз. Мазкур тадбир ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш баробарида янги ўзлаштирилган маҳсулотларимизни намойиш этиш имконини беради.

Саноатчилар форумининг кечаги иш кунида "Ўзэлтехсаноат" ва "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмалари, "Ўзқурилишматериаллари" ва "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниялари, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар, Тошкент мис ва рангли металлар қолдиқларини қайта ишлаш заводи, "Peng Sheng" қўшма корхонаси ва «Energomax» ихтисослаштирилган саноат корхонаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари корхоналари маҳсулотларини намойиш этишди.

VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси жорий йилнинг 1 ноябригача давом этади.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

# ЎЗБЕК МАТБААЧИЛИГИ ДУНЁ НИГОҲИДА

**«Инсоният кашфиётлари орасида энг буюги ва оламшумули бу – шубҳасиз китобдир», деган эди алломалардан бири. Чиндан ҳам инсоният бугунги юксак даражадаги тамаддуни учун китобдан миннатдор бўлиши лозим. Гарчи биз техника юксак ривожланган, китоб ўрнини боса олувчи ўнлаб воситалар мавжуд даврда яшаётган бўлсак-да, у ўз аҳамиятини асло йўқотгани йўқ. Яқинда Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий халқаро китоб кўргазмаси бунинг яққол далилидир. Ушбу нуфузли анжуманда мамлакатимизда фаолият юритаётган бир қатор нашриётлар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Қуйида ушбу кўргазма иштирокчиси, «Янги аср авлоди» нашриёти бош директори Эркин АБДУРАҲМОНОВ ўз таассуротларини шундай ҳикоя қилади:**



– Китоб ярмаркасининг тарихи аслида, 500 йил муқаддам Франкфуртга қўшни шаҳар – Майнцда яшаган Иоганн Гуттенберг номи билан боғлиқ. Китоб босиш билан шуғулланган бу шахс илк марта босма китоблар кўргазмасини ташкил қилган. Кўргазманинг янги тарихи эса 1949 йилдан бошланади. Ярмарка Франкфурт шаҳрида, дунё миқёсида ташкил этиладиган бўлди. Шундан буён ҳар йили ноябрь ойининг ўрталарида дунёнинг кўплаб давлатларидан ташриф буюрган юзлаб нуфузли нашриётлар, матбаачилик корхоналари, китоб савдоси билан шуғулланувчи агентликлар Франкфуртда жам бўлишади. Жорий йилда ҳам юздан зиёд давлат вакиллари иштирок этган кўргазмада 7300 атрофида турли маҳсулотлар намойиш қилинди. Улар орасида китоблар, журнал, газета ва бошқа босма нашрлар, шунингдек, электрон ахборот воситалари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Қарийб бир ҳафта мобайнида 172 минг квадрат метр майдонда дунё халқлари маданияти, урф-одатлари, ўзига хос таомлари, табиати, тарихи каби бир-биридан қизиқарли маълумотларни жамлаган китоблар, атласлар, газета ва журналлар иштирокчилар диққат марказида бўлди. Бундан ташқари, китоб савдоси, босма нашрларни чоп этишда қўлланиладиган энг замонавий техника воситалари, соҳадаги янгиликлар борасида ҳам қизиқувчиларга батафсил маълумот олиш имконияти яратилди.

Мамлакатимизда китоб, газета ва журналларни дунё андозалари талабида чоп этиш учун барча шароитлар яратилган. Кўплаб матбаа корхоналари ва нашриётларнинг фаолият юритаётгани эса эркин ва соғлом рақобатга замин яратади. Шу билан бирга, барча вилоятларда китоб ярмаркалари ташкил этилаётгани, матбаачилик корхоналари, китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларга яратилаётган қулайликлар соҳанинг замон билан ҳамнафас ривожланишига имконият туғдирмоқда. Ушбу нуфузли анжуманда мамлакатимиздаги нашриётлар доим иштирок этиб келишади, биз ҳам илк марта қатнашдик ва, айтиш керакки, жуда кўп нарса ўргандик.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, хорижликлар мамлакатимизнинг тарихи, дунёга машҳур шаҳарлари ва бугунги ривожланиш босқичига ҳам катта қизиқиш билдиришди. Биз 100 дан зиёд маҳсулотлар намойиш этган бўлсак, иштирокчилар деярли барчасини диққат билан мутолаа қилишди, ёққанларини сотиб олишди. Айниқса, "Бухоро шашмақомлари" номли китоб иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, Ибн Сино асарларининг изоҳли луғати сифатида беш тилда чоп этилган "Қомус истилоҳлари" китоби ҳам кўпчиликка маъқул келди.

Анжуманда яна шунга амин бўлдикки, тарихий шаҳарларимиз – Самарқанд, Бухоро ва Хива тўғрисидаги рисолалар, рангли китоблар ва бошқа босма нашрларга жаҳон бозорида талаб юқори экан. Қолаверса, ўзбек миллий таомлари борасидаги қўлланма ва китобларга ҳам қизиқиш биз кутгандан юқори бўлди. Кўргазма давомида, турли мавзуларда илмий-амалий конференциялар ҳам ташкил этилди. Ярмарка иштирокчилари Франкфурт академиясида уюштирилган йигирмага яқин семинар ва анжуманларда қатнашишди. Бу конференцияларда дунё матбаачилигидаги сўнгги янгилик ва ютуқлар, дунёда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий тизим, таржимонлик, китоб савдосининг замонавий кўринишлари каби кўплаб долзарб вазифалар хусусида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, бу учрашувлар янги ҳамкорлар топиш, замонавий технологиялар харид қилиш, бошқа давлатларнинг матбаачилик ва китоб босиб чиқаришдаги илғор тажрибаларини ўрганишда жуда қўл келди.

Яна бир эътиборли томони бугунги дунё бозорида бадиий адабиётлар қаторида, илмий асарларга ҳам талаб кучайиб бораётганига амин бўлдик. Германияда истиқомат қилаётган кўплаб ноширлар биздан тарихий китоблар билан бирга, юртимизда инновацион технологиялар борасида қилинаётган ихтиролар, янгиликлар акс этган рисолалар ва китоблар тақдим қилишимизни сўрашди. Уларнинг аксарияти бу китобларни ўз ҳисобидан таржима қилиб, чоп этишга тайёрлигини ҳам билдиришди.

Анжуманда диққатимизни тортган яна бир нарса, ҳар йили қайсидир давлат ярмарканинг фахрий меҳмони сифатида иштирок этаркан. Бу ўша давлатнинг матбаачилигини янада кенгроқ намойиш этиш қаторида, янги номларни кашф қилишга ҳам замин яратади. Жорий йилги ярмаркада Аргентина шу номга лойиқ кўрилди. Шунингдек, анжуманнинг мавзуси ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораверади. Жорий йилда анъанавий китоб ва журналлар қаторида, электрон кўринишдаги ахборот воситаларига ҳам кенг ўрин берилди.

Ярмарка давомида биз бир неча ҳамкорлар билан битимлар имзоладик. Насиб бўлса, хориждан янги технологияларни келтириш ниятидамиз. Ҳозирда интернет орқали музокараларни давом эттиряпмиз.

**Акбар ҚАРШИЕВ ёзиб олди.**

Тошкент Вилояти

О Реклама ўрнида

*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда молия муассасаларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБнинг Янгийўл филиали томонидан йўналтирилаётган кредитлар, энг аввало, аҳоли фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.*



Qishloq Qurilish Bank

# БАНК САРМОЯЛАРИ
## БУНЁДКОРЛИК ХИЗМАТИДА

Бугунги кунда филиал таркибида 6 та чакана хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мижоз манфаатининг устун қўйилиши, ишончнинг мустаҳкамлиги филиалнинг барқарорлигини таъминламоқда. Сўз юритилаётган молия муассасаси хизматлари ҳам "Банк мижоз учун" тамойили асосида 15 мингдан зиёд мижозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Сўз юритилаётган молия муассасасининг соф активлари жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 51 644,8 миллион сўмга етди. Банк депозит базаси мустаҳкамланиб, бу борада ҳам ўсиш суръатлари сақланиб қолди.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишда ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида, филиалдаги жами омонатлар суммаси жорий йил 1 октябрь ҳолатига 13 584,9 миллион сўмни ташкил этди.

Шунингдек, мижозлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ўз натижасини бериб, филиалнинг жами кредит портфели суммаси 45 902,9 миллион сўмни, шу жумладан, узоқ муддатли кредитлар суммаси 44 760,5 миллион сўмни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уй-жойларни бунёд этиш ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойларга кўзингиз тушади. Уларда яшаётган кишилар билан суҳбатлашсангиз, мамнунликларини сезасиз. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз, юртимиздаги тинчликнинг меваси. Ушбу бунёдкорлик ишларида инсон манфаатлари устувор, яъни аҳолига қулай яшаш шароити яратишдек эзгу мақсад мужассам.

Ана шундай эзгу ишларда молия муассасаси муносиб иштирок этиб келмоқда. Буни 2009-2014 йиллар давомида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган 485 та уй-жойларнинг қурилиши филиал томонидан молиялаштирилганида ҳам кўриш мумкин.

Туман иқтисодиёти юксалишида банк филиали билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам ўз ўрни бор. Улар банклар билан ҳамкорликда ўз фаолиятларини олиб бориб, халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги, шу билан бирга, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўтган тўққиз ой мобайнида банк томонидан тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес фаолиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш учун кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида ҳам қатор ишлар олиб борилди.

Сирасини айтганда, ушбу молия муассасаси амалга ошираётган, маблағ йўналтираётган ишларнинг пировард мақсади юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Яъни банк сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматидадир.

**"Қишлоқ қурилиш банк" материаллари асосида Камола МУСАЕВА тайёрлади.**

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИДАМИЗ

МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ

*Корхонамизда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, эл дастурхонига тортиқ этамиз. Ёш тадбиркор бўлсам-да, ўтган қисқа даврда фаолиятимизни барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратдик.*

*Эришаётган ютуқларимизнинг асосий омили тадбиркорларга эмин-эркин фаолият юритиш учун барча шароитлар яратиб берилганидир. Имкониятларимиз кенг, имтиёзлар берилмоқда. Биргина банк хизматида кўрсатилаётган эътиборни эътироф этиб кетишни истардим.*

*2013 йил август ойида нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Янгийўл филиалига мурожаат қилдим. Лойиҳам банк томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда 70 миллион сўм миқдорида кредит олишга эришдим. Натижада, 7 нафар тенгдошларим доимий иш ўринларига эга бўлишди. Жорий йилда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, янги иш ўринларини яратмоқчимиз.*

*Молия муассасаси томонидан эндигина тадбиркорлик соҳасига кириб келаётган биз каби ёшларга қаратилаётган эътибор тадбиркорликнинг ойдин йўлига тушиб олишимизда катта туртки бўлди. Умуман олганда, банк жамоаси ҳозир ҳам ишимиз равнақида нафақат сармоялари билан, балки қимматли маслаҳатлари билан ҳам фаол иштирок этмоқда.*

**Сардор РАҲИМОВ, ёш тадбиркор.**

О Реклама ва эълонлар

ЧП "MOTABAR ONA" уменьшает размер Уставного фонда с 66 814 796,08 долларов США до 7 814 796,08 долларов США (согласно решению учредителя № 3 от 29.10.2014 г.). По всем вопросам обращаться по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У.Носира, 53 или по тел.: 587-77-77.

Утерянную лицензию на право реализации автобензина № АА-0723 выданную на ООО "SARVAR-OMAD" по адресу г. Ташкент М.Улугбек д. 60/1, считать недействительным.

ЧП "CLACSON AUTO" (ИНН 301232399) зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента (№ 004637-11, 22.06.2009 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н Boshliq mavzesi, "Askia" dexqon bozori filiali ликвидируется (протокол собрания № 5 от 27.10.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 250-55-10.

ООО "EQUATOR LINE" (ИНН 207153535) Юнусабадского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 24 424 215 сум до 2 600 000 сум. Тел.: +99890 186-58-86.

"SKREPKA EXPO" МЧЖ (СТИР 300980601) хуқуқий мақоми ХКга ўзгаранини маълум қилади ва "SKREPKA EXPO" МЧЖнинг хуқуқий вориси хисобланади. Тел.: 127-49-37.

"GOLD TOUR LINE" МЧЖнинг Устав фонди 280 млн. сўмдан 100 млн. сўмга камаяди. Манзил: Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Чорсу мавзеси 8-уй манзилида жойлашган савдо дўкони.

Якка тартибдаги тадбиркор Касымов Ойбек Рустамовичга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "TECHNO LINE GROUP" (ИНН 302792533) зарегистрированное (реестр № 008849-10 от 14.01.2014 г.) ИРСП Хокимията Юнусабадского р-на расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Шарафобод д. 2 ликвидируется (протокол от 20.10.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня опубликования объявления.

Тошкент ш. М.Улугбек т. БТИ томонидан С/Восток 2 48-уй 49-хонадон учун Акилов Касым номига расмийлаштирилган уй план хужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "SINHVA CONSTRUCTION" (ИНН 300797646) зарегистрированное (реестр № 003165-03, 10.10.2008 г.) ИРСП хокимията Мирабадского р-на расположенное по адресу: г. Ташкента ул. Ойбек 38, ликвидируется (протокол от 27.10.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня опубликования объявления.

Тошкент ш. Яккасарой т. хокимлиги хузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 005955-11, 18.04.2011 й.) рўйхатга олинган "STAR BIO FARM" МЧЖ Устав фонди 41 051 417 сўмдан 20 900 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Даъволар 958-07-98 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент фармацевтика институти томонидан 1983 й.да Абдуманнонова Хафиза Абдурахмановна номига берилган ИВ-1 № 270943 рақамли диплом (р.№ 5781) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "KARTON BOX SERVIS" МЧЖ номига Олмазор т. Қора-Қамиш 1/4 даҳаси Хабиб Хасанов кўч. 19-уй манзилида жойлашган бино учун 26.03.2012 й.да берилган ТА № 1384140 серияли бино кадастр Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.




Утерянную гувохнoму № 0184623 выданную БТИ Юнусабадского р-на г. Ташкента на имя Сарксовой Стеллы Шагеновны на квартиру расположенной по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н кв 14 д. 7 кв. 52, считать недействительной.

Тошкент ш. Олмазор т. хокимияти ТСРЎИ томонидан (22.03.2011 й., реестр № 000496-05) рўйхатга олинган "GRAND AVIA TRAVEL" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр, штампи ва бошқа меъёрий ҳужжатлари (устав рўйхатдан ўтказилган) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СП ООО "SAMEZTAB GEOBUR" (ИНН 300013520) сообщает о переименовании в СП ООО "GEOBUR TASHKENT". Тел.: 941-37-77.

Тошкент ш. Хамза т. хокимининг 06.09.2000 й.даги 1331-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган "SARVAR-OMAD" МЧЖнинг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т.да № 007613-09 рақам билан рўйхатдан ўтган "MEAT FOOD GROUP" МЧЖнинг ташкилий-хуқуқий шакли оилавий корхонага айлантирилади.

Тошкент ш. Учтепа т.да рўйхатдан ўтган "TURA ZARGARI" ХФ ташкилий-хуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. Чилонзор т. хокимлиги хузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "NA'F" хусусий фирмасининг (ИНН 203115544) ташкилий-хуқуқий шакли "NA'F" МЧЖга ўзгартирилмоқда.

Шамсиддинова Шахноза Нарзуллаевна номига Тошкент ш. Чилонзор т. БТИ томонидан Чилонзор т. Бунёдкор кўч. 2-уй 51-хонадон учун расмийлаштирилган уй плани ҳамда кадастр хужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**БАРЧА ТУРДАГИ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТГА ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**1. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ҳудудида ер ости сув сатҳини меъёрида сақлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Нукус туманида "Нукус" коллекторини қуриш (ТИҲ, ИХ).**

**Бошланғич нархи:** 206 000 000 сўм, **лойиҳа қуввати** 23,5 км., **ишларнинг тугалланиш муддати** 100 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар лойиҳа-қидирув ишлари бўйича махсус лицензия, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни лойиҳалаштириш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари ҳамда сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш ва геодезия ишларини бажаришга лицензия нусхаларини тақдим этишлари шарт.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади:** иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 308-311-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.










Тошкент ш. М.Улуғбек т. Қорасу-4 3-а уй 15-хонадонга тегишли Гадайбоев Уткир Шарахимович номига расмийлаштирилган Ер ресурслар кадастр плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат Техника университети томонидан Жамолов Аслиддин Ғиёсиддинович номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную справку № 7-305/2013 формы № 18 от 24.07.2013 г. на продажу квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н 15 кв-л 7 д. 28 кв. выданную Юнусабадским БТИ на имя Шакирова Муроджона Абдуфатиховича, считать недействительным.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Новзы-Козирobод д. 8 кв. 27 выданный БТИ Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Тураева Тулкин Жумановича, считать недействительным.

ООО "IMKON-BILD SERVIS" (ИНН 205786714) зарегистрированное в Хокимияте Яккасарайского р-на г. Ташкента в соответствии с протоколом собрания учредителей № 5 от 27.10.2014 г. восстанавливает свою деятельность. Тел.: +99890 957-66-68.

ООО "FORCELINE" Яккасарайского р-на г. Ташкента (ИНН 207014897) преобразуется в ЧП "FORCELINE".

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРШИЕВ
Мусаҳҳиҳ: Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1019, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45
16097 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5